
Бош вазир қабулхонасининг Сўх тумани бўлимига шу кунгача тушган мурожаатлар сони



Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси Сўх тумани бўлими мудир Масъуджон Жумаевнинг “Kishvar.uz” мухбирига маълум қилишича, 22 июлдан 1 октябргача қабулхонага жами бўлиб, 124 мурожаат тушган ва ундан 102 таси оғзаки, 22 таси эса, ёзма равишда бўлган. 124 мурожаатдан 4 таси Республика идораларига, 10 таси вилоятга ўрганиш ва бартараф этиш учун юборилган. 110 таси туман миқёсида ҳал этилмоқда. 124 та мурожаатдан фақат 1 таси ҳамон ўз ечимини топмаган. Бу эса, Давлат дастурига киритилган ва ижроси Марказий банк ва Асака банкига юклатилган 2.0 млрд. сўм миқдоридаги кредит бўлиб, мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, қабулхонанинг Сўх тумани бўлими вакиллари давлатимиз раҳбари илгарисурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқ учун хизмат қилади” деган эзгу ғояга амал қилиб, тадбиркорларнинг иш жойларига бормоқдалар ва уларнинг муаммолари билан танишиб, бартараф этиш чораларини кўришмоқда.

Манба:<http://kishvar.uz>

2019-10-15 00:58:21